O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
QUMQO`RG`ON TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
КУМКУРГАНСКОГО РАЙОНА

190900. Qumqo`rg`on tumani, O`zbekiston shoh ko`chasi 1-uy, tel: 0(376)46-52-511, fax: 0(376)46-52-511

20 20 yil " 24 " апрел К-661 -sonli

2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг баркарорлигини таъминлаш максадида туман махаллий бюджетидан макбуллаштириладиган харажатларни тасдиклаш хамда вилоят хокимининг 2020 йил 17 апрелдаги К-179-сонли карори ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг баркарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вактида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 15 апрелдаги ПК-4679-сон Қарори хамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг баркарорлигини таъминлаш ва харажатларини макбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 16 апрелдаги 232-сон карори ижросини таъминлаш максадида,

КАРОР ҚИЛАМАН:

1. 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг баркарорлигини таъминлаш максадида туман махаллий бюджетидан макбуллаштириладиган харажатларни тасдиклаш хамда вилоят хокимининг 2020 йил 17 апрелдаги К-179-сонли карори маълумот ва ижро учун қабул килинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг баркарорлигини таъминлаш ва харажатларини макбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 16 апрелдаги 232-сон қарори билан вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликларининг:

бюджет ташкилотларида (тиббиёт, тиббий-ижтимоий муассасалари, мехрибонлик уйларидан хамда мехнатга хак тўлашнинг 1-3 разрядлари қўлланиладиган ходимлардан ташкари) ишлайдиган ходимларга

2020 йил 16 апрелдан 1 октябрга қадар моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ҳамда директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўловлар ҳисобланишини тўхтатиб туриш;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетида ҳамда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида кўзда тутилган харажатларни мақбуллаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари харажатларини мақбуллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2020 йил II чораги учун режалаштирилган харажатларни 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллигига ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туман маҳаллий бюджетидан мақбуллаштириладиган харажатлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Халқ депутатлари туман Кенгашига иловага мувофиқ иқтисод қилинган маблағларни маҳаллий бюджетларнинг даромадлар прогнозининг бажарилмаган қисмини қоплашга йўналтириш тавсия қилинсин.

5. Туман ҳокимлиги молия бўлими (Ш.Поянов) барча бюджет ташкилотларида (тиббиёт ва тиббий-ижтимоий муассасалари ҳамда мехрибонлик уйларидан ташқари):

асосий воситаларни харид қилиш ва капитал таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни жорий йилнинг 1 июлига қадар тўхтатиш (молиялаштириш бошланган чора-тадбирлар бундан мустасно) ва ушбу мақсадлар учун II чоракда режалаштирилган маблағларни қисқартириш ёки 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллигига ўтказиш;

коммунал хизматлар, озиқ-овқат, қоғоз ва бошқа канцелярия товарлари харид қилиш, тадбирлар ўтказиш, жорий таъмирлаш ва бошқа харажатларни қисқартириш чораларини кўрсин.

6. Туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (З.Эшқобилов) тегишли ташкилот ва корхоналар билан биргаликда мақбуллаштирилган маблағлар ҳисобига 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастуридан чиқариладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириб, бир кун муддатда Иқтисодий тараққиёт ва кабағалликни қисқартириш бошқармасига киритсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари М.Қултаев зиммасига юклансин.

Туман ҳокими DEVONXONA **Р.Гаппаров**